

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ӨРГАНИ

48 йил чиқибди  
№ 126 (13.388).  
ИЮНЬ  
7  
1966 йил  
СЕШАНБА  
Баҳоиси 2 тийин.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

### РАСМИЙ ХАБАРЛАР

#### КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида Чехословакия Коммунистик партияси XIII съездининг ишида қатнашган КПСС делегацияси 5 июнда Прагадан Москвага қайтиб келди. Делегацияси составида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоллигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. Машеров ва бошқалар бор эди.

#### КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЛАН-БАТОРГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. Н. Шелестин бошчилигида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг таълифига биноан, Монголия Халқ Революцион партиясининг XV съезида қатнашмоқ учун 5 июнда Москвадан Улан-Баторга жўнаб кетди.

#### УЛАН-БАТОР, 6 июнь. (ТАСС).

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг таълифига биноан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелестин бошчилигида КПСС делегацияси Монголия Халқ Революцион партиясининг XV съезида қатнашмоқ учун бүгун Улан-Баторга келди.

#### ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг 6 июнда бўлган пленумида республика лойиҳасида асосланган оқибатларнинг туғилиши билан боғлиқ бўлган ишларни кучайтириш тадбирлари туғилишига масала қараб чиқилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Раҳимов шу масала юзасидан ахборот берди.

#### Пленум қатнашчилари бузилган иморатларни гилла ва янги шаҳарни қуришда Тошкентга ердан кўрсатилганликлари учун КПСС Марказий Комитетига ва ҳукуматга, қардош республикаларнинг меҳнатчиларига шаҳарнинг барча коммунистлар, барча аҳолиси номидан самимий миннатдорчилик назор этдилар.

#### Пленум район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига таъиний офат натижасида туғилган қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш учун барча мавжуд резервлар ва имкониятларини ишга солишни топширди.

#### Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, энгизла оқибатларини туғатиш республика ҳукумат комиссиясининг раиси М. М. Муҳомедов нўти сузлади.

#### Пленум ташкилий масалаларни ҳам қараб чиқди.

#### В. А. Архангельский «Правда Востока» газетасининг редактори қилиб тайинланганини муносабати билан шаҳар партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазиғларидан овоз қилди.

#### Пленум Р. И. Вобожоновани шаҳар партия комитети составига киритди. Тошкент шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари қилиб сайланди.

## ХОРАЗМИКЛАР ИЗИДАН МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Колхозимиз Фарғона районида ўртамеъна хўжаликлардан ҳисобланади. Бундан беш йил муқаддам гектаридан 12 центнердангина пахта олинган. Кейинги беш йил ичида ҳосилдорлик гектар бошига 7,5 центнер кўтарилди. Уч йил муқаддам колхозчилар ҳар иш кунига бир ярим сўмдангина ҳақ олган бўлсалар, ўтган йили бу кўрсаткич 3 сўм 44 тийинни ташкил этди.

Бунга эришиш учун нималар қилдик, пахтачиликни юксалтириш учун ишни қандай ташкил этдик, ҳосилдорлигини бундан кейин ҳам кескин ошириш учун қандай имкониятлар бор? Мен шулар ҳақида ҳикоя қилоқчиман.

Биз барча майдонга чигитни квадрат-уялаб экамиз. Бунинг боиси бор. Ававало хўжаликда одам кучи кам. Ҳар бир кишига ўртача икки гектар ер тўри келади. Бундан ташқари ерларимизни ажриқ, гўмай босиб кетган. Чигитни квадрат-уялаб экиб, икки томонлама ишлаш йўли билан ерларни тозалаш олаётизмиз.

Агар чигитни қаторлаб экамиз, сув етказиб бера олмаёқ қоламиз. Ер — тошлоқ. Бунингсиз ҳам ерларимиз сувнинг пайновиди, Исфайрам ва Шохимардон соғларидан сув етиб келиши жуда қийин. Бир марта берилган сув 7-8 кунга чиқмайди. Чигит квадрат-уялаб экилса, ҳар сувдан кейин вақтиний ўтказмай олдин қўдалангига, кейин узунасига культивация қилиб, намни сақлаб қолаётимиз.

Биз чигит экишдан олдин, ерларни тайёрлагандан кейин эгат олиб, бир сидра сув кўзимиз. Кейин тезроқ етилиши билан сикмола солиб, чигит эка бошлаймиз. Шундай қилишда чигит тез ушиб чиқади. Илгарилар эса чигит 2-3 суви билан эрга ундириб олинарди. Шунда ҳам урғу бир текис чиқмас, улгурганимизча опасига чигит қадардик. Ҳўза сувхўр бўлиб қолар, вақтида сув етказиб бера олмаёқ, ривожни орқага тортиб кетавардик. Оқибатда пахта кечки бўлиб қоларди. Эндилкида экиш олдидан ерларни бир сидра сугориб, ғўзанинг ривожланишини бир-бир ярим ҳафта тезлаштиришга эришяёмиз. Мана, бу йил

ҳам ғўзамизнинг ривожини бултургидан 10-15 кун олдинда, баъзи қартерларда қийғос шоналаётти. Тажрибали пахтакорлар билан маслаҳатлашиб, синаб кўриш мақсадида бултур 6 та звеню тузган эдик. Бу звенюларда энг юқори ҳосил кўтарилди. 5 та звенюда ҳосилдорлик гектар бошига 25-28,5 центнерни ташкил этди, Маҳмуджон Усмонов бошлиқ звенюда эса 32,5 центнердан пахта етиштирилди. Бу хўжалигимиз тарихида рекорд ҳосилдорлик кўнига энг юқори ҳақ олдилар. Чунинчи, пахтасини қўлда төрган Иброҳимжон Нажимидинов бошлиқ бригадда ҳар бир иш кунига 2 сўм 29 тийиндан пул тушган ва йил бўйи олган ҳар бир сўм асосий иш ҳақиға 42 тийиндан қўшимча ҳақ туланган бўлса, Халил Ҳайдаров бошлиқ бригадда ҳар иш кунига 4 сўмдан, асосий иш ҳақининг ҳар бир сўмига яна бир сўм-у, 7 тийиндан қўшимча ҳақ берилди.

Хоразмлик пахтакорлар ҳам республика механизаторлари ва пахтакорларига мурожаат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда комплекс механизацияга таянишга чакиряпти. Ҳақиқатан ҳам, комплекс механизация пахтачиликни кескин ривожлантиришда ва ҳосилдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Биз техникдан самарали фойдаланиш мақсадида бу йил ҳар бирга уч-тўрт иккиш, ўн-ўн беш гектардан ер бериштириб, 31 звеню туздик. Барча пахта майдонларида гектаридан 25 центнердан коқ олтин етиштириш учун курашда механизаторлар иш бўлишяпти. Ҳўза қатор ораларини культивация қилишда 25 та чопик трактордан уюмла фойдаланяётимиз. Ҳўзани озиклантириш культивация билан биға олиб борилмоқда. Ҳар бир участкага тажрибали сувчилар бериштирилган. Улар усилликни қондириб сугоришяпти. Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз ҳозир қийғос шоналаётган ғўзаларимизни серхосил қилиб ўстиришга, слинган мажбуриятни шераф билан бажаришга имкон беради.

А. ИУЛДОШЕВ,  
Фарғона районидаги «Победа» колхозининг раиси.

## ПИЛЛА-ДАВЛАТГА

### ХОРАЗМНИНГ ГАЛАБА РАПОРТИ

УРГАНЧ. Хоразм пиллачиларидан галаба рапорти келди. Қишлоқ хўжалик меҳнатнашлари пилла тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Пилла нуришти лунтирларга сал кам 1200 тонна ҳам ашё топширилди. Бу эса топширишда нўздан тугилганидан 42 тонна кўпдир. Шовот, Янгиариқ ва Ҳазорасп районларининг колхозлари пландан ташқари кўп ҳам ашё сотдилар.

### Хоразмликлар давлатга яна 140 тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

### ФАРҒОНА ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ФАРҒОНА. Фарғона областадаги хўжаликлар давлатга пилла сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятни мувадатдан олдин бажардилар. Улар 4178 тонна еки топширишда нўзда тугилганидан

200 тоннадан энг кўпроқ пилла топширдилар. Ҳар қуту кўрт уруғидан 67,4 килограмдан пилла олинди. Поп районидан Охунбобоев номли совхознинг Э. Бобона, зарова бошлиқ бригадаси, Кува районидан «Коммунизм» колхозининг Б. Мадаминов бошлиқ бригадаси ҳар қуту кўрт уруғидан 100 килограмдан ва бундан ҳам кўпроқ пилла топширдилар.

Фарғоналик моҳир пиллачилар давлатга қўшимча суратда камидан 500 тонна пилла сотишга сўз бердилар.

### МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

ТЕРМИЗ. Сурхондарё области пиллачилари бундан бир неча кун олдин пилла тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида рапорт берган эдилар. Улар яна бир галабани қўлга киритдилар. Давлатга 372 тонна пилла сотиб мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар.

### ИЛГОРЛАР ЗАФАРИ

ҚАШИ. («Совет Узбекистонин» мухбири). КПСС XXIII съезди тарихий материалларидан гўл руҳланган Қашқадарь области, Чироччи ва Қамашай район пиллачилари йил сайини давлатга қўлаб пилла етказиб бериш учун курашмоқдалар. Ҳар иккала район пиллачиларининг бу йилги меҳнатлари яхши самара берди. Пилла тайёрлаш планини Чироччи райони 101 процент, Қамашай райони эса 102,5 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлди.

Районларда давлатга пилла етказиб бериш давом эттирилмоқда.

### ИККИ РАЙОН МАРРАГА ЕТДИ

САМАРҚАНД («Совет Узбекистонин» мухбири). Каттақўрғон райони пиллачилари СССР Олий Советига сайловлар кунини муносабидан совгалар билан қутиб олиш учун курашди, катта галабани қўлга киритдилар. Қабул пунктларига пландан 2100 центнер урнига 2188 центнер юқори сифатли пилла топширилди. «Ленин йўли», «Октябрь», «Пролетарий», Ленин номи, Энгельс номи колхозлар пилла кўртинини мадал методлар билан бониб, янада яхши нуратишларга эришилди, орденли «Пролетарий» колхоз пилла топшириш планини 400 центнер қилиб бажарди.

Район колхозлари ва совхозлари яна қўшимча 100 центнер пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

### Нарпай райони ҳам маррага етди. Район хўжаликлари тайёрлов пунктларига 2711 центнер пилла топшириб, йиллик планини 103,4 процент қилиб адо этдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.



Янгийўл районидан «Ленинград» колхозининг илгор пиллачиси С. Жуманова ҳар қуту уруғ ҳисобига пландан 52 килограм урнига 135 килограмдан кўмуш тола топширди. Сиз бу суратда: ўртоқ С. Жуманова ин кўри турибсиз. А. Тураев фотоси.

## СУВЧИ — ҒЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ

Бу йилги шаронда сувнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп гаплар бўляпти. Айни вақтда таълимчиларга қолмасдан, олдинда ҳар қатра сувдан тежаб-терлаб фойдаланиш каби масъулиятли ваъза ҳам турибди. Чунин бу йил баҳор анча қуруқ келди. Қишда ҳам янгиариқликлар жуда кам бўлди, тоғларда қор аввалги йиллардагидек эмас. Демак, сув омборларидан, дарёлардан ҳам сувнинг мазаси йўқроқ. Бу биздан моҳирликни, миришкорликни талаб этади.

Мен бир неча йиллардан бу йил республикада хизмат кўрсатган пахтакор Тожихон она Умарова бошлиқ бригадда сувчилар қилмаган. Ҳар тўп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парваришлаган бригадамиз аъзолари сугоришга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун эса эгитилган чўқур ва тўри олинини таълимчилар Шундай қилишда чўқур ва тўри олинини таълимчилар далада узра ўтган эгитилар бир меъёрга сув ичади, сув бир жойда тўхтаб қолмайди. Натижада ҳар тўп ғўза мириқиб сувга қояди.

Бу йилги ишнинг ҳам чакки эмас. 100 гектар майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилган

миришкорларимиз иккинчи парваришини ҳам тугалладилар. Культивация билан бир вақтда озиклантирилган ғўзаларини сугоришга киришдик. Сугорини кечроқ кўнгуз ўтказимиз. Ширдорларим Абдухалил Раҳимов, Турғубой Муборакон ва Абдулаҳад Холитов ўртоқлар ҳам сувнинг шераф бўлишига йўл кўймайтирлар, ҳар тўп ғўза бўғанининг етарли миқдорда намланишига эришмоқдалар.

Қўрбонбой АБДУЛЛАЕВ,  
Чўст районидан «Ленин йўли» колхозининг сувчиси.

## ТАШВИШЛИ СИҒНАЛ БОҶИБЕҒАМЛАР

Когон район пахтакорлари беш йилликнинг биринчи йилида она-Ватанга 14500 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар. Чигит сифатли экиб олинди, ҳамма жойда текис ундириб ҳам қийди. Ленин район хўжаликларида ғўза парвариши гўл суг ва сифатсиз ўтказилмоқда.

«Партия XXII съезди» колхозини олиб кўрайлик. Н. Қаримов, И. Ўлжаевлар бошлиқ бригадаларда колхозчилар ишга истоган маҳалда чикиб, нимжон, қизилоча бўлиб сарғайиб ётган ғўзалар орасидан бир-икки қулоқ ўт юлиб, уларни қайтадилар. Ҳ. Бониев, О. Умаров сингари механизаторлар эса кўнма 4-5 соат ишлаб, «ўт босганидан ғўзани нобуд қилиб қўяёмиз», деб тракторларининг қантариб кўншишяпти.

Катта-кетта майдонда ғўзалар сувсизлидан сарғайиб қолган. Бунинг асосий сабаби сугориш тармоқлари ҳалигача тартибга келтирилмаганлигидир.

Колхозда 18 чопик трактори бор. Колхоз раиси Ж. Авазов, агроном Ш. Ражабов ўртоқлар уларнинг ишларини устидан қатъий контроллик қилмаётганликлари сабабли тракторлар кўншича бекор туради. Ҳозирча 300 гектардан ортин майдонда ғўзани беғона ўт босиб ётибди. Бундай ташвишли аҳволни райондаги Қашинин номи колхозда ва «Когон» совхозидан ҳам учратиш мумкин. Мўл пахта ҳосили учун курашининг зарбдор кўнлари ўтиб бормоқда. Когонликлар йўл қўйилган хатоларини дарҳол бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Т. НАЗИРОВ,  
«Совет Узбекистонин» мухбири.

Катта-кетта майдонда ғўзалар сувсизлидан сарғайиб қолган. Бунинг асосий сабаби сугориш тармоқлари ҳалигача тартибга келтирилмаганлигидир. Колхозда 18 чопик трактори бор. Колхоз раиси Ж. Авазов, агроном Ш. Ражабов ўртоқлар уларнинг ишларини устидан қатъий контроллик қилмаётганликлари сабабли тракторлар кўншича бекор туради. Ҳозирча 300 гектардан ортин майдонда ғўзани беғона ўт босиб ётибди. Бундай ташвишли аҳволни райондаги Қашинин номи колхозда ва «Когон» совхозидан ҳам учратиш мумкин. Мўл пахта ҳосили учун курашининг зарбдор кўнлари ўтиб бормоқда. Когонликлар йўл қўйилган хатоларини дарҳол бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Т. НАЗИРОВ,  
«Совет Узбекистонин» мухбири.

## МАРРА 35 ЦЕНТНЕР

Утган хўжалик йили жуда яхши кўрсаткичлар билан аяқланди. 1715 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили топширилди. Ҳамма бригадалар плани ошириб бажарди. Ишлаб чиқариш планида мўлжалланганидан қарийб 1,5 баравар кўп доромад қилдик. Колхозчилар ва механизаторлар ҳар иш кунига 4 сўмдан кўпроқ пул олинди. Пахтакорларимиз Хо-

разм области пахтакорларининг мурожаатини зўр шодлик ва яқдиллик билан маъқулладилар. Биз маъшай области дехқонларининг фикрини ва маслаҳатларини ўрганиб, конкрет тадбирларни белгилаб чиқдик. Бу йил ҳосилдорлигини камиде 35 центнерга етказишга қарор бердик. Ниёзуқул Худоёров, Абдулла Ражабов, Муҳаррам Абдурахмонов, Яхшибой Алиев ўр-

тоқлар бошлиқ бригадаларимиз гектаридан 37-40 центнердан пахта етиштиришга олдилар. Улар кўпмеги қийинчиликларни мардонавор меҳнат билан енгиб, ҳамма участкаларда тўла гектар бўлишига эришилдилар. Ҳозир ҳамма ердаги ғўзамиз бир марта комплекс парвариш қилинди. Уз вақтида яғандан чиқариб озиклантирилди.

670 гектар ердаги ғўза иккинчи культивациядан чиқарилди, сугорилди, икки марта озиклантирилди. Шу кунларда далада 38 трактор культиватори ишлаб турибди. 217 сувчи икки смена билан ишлашяпти. Ҳўзаларимиз текис ривожланыпти. Раҳмонжон НОМОЗОВ, Каттақўрғон районидаги «Чинбобод» колхозининг раиси.

## ҒАЛЛА ФРОНТИДА



## Ў Р И М Қ И З Ъ И Н

ТЕРМИЗ. («Совет Узбекистонин» мухбири). Сурхон водисининг жанубида жойлашган Шеробод, Термиз, Жардўрғон районларининг хўжаликчилари галаба ўрми-янгини бошлайиб кетди.

Шеробод райониданги Ленин номи колхоз (район ўртоқ А. Қалобердиев) галабаларини ўрми-янгина пухта ҳозирини кўрдилар. Қомбайчилар таянлиб, ўчатиш ва транспортчилар етиштирилди. Ғалла ўрмида шитроқ етилди, ичиниларга хордик чикаридик жойлар, несиқ оват ташини этилд. Халқ контроли группаси

ўртоқлар арига ўрми юзасидан кўнлик нормаларини 140-150 процент бажаришлар. Улар ғалла ўрми ва давлатга топшириш ишини мунтазам кўнлик нечириб турадилар.

Белоён далааримизда олтин бошонлар сарғайиб яшиди. Ғалла ўрми-янгини кўнлик нун сайини энгизин тус олмади. Зомин райониданги «Ударник» совхоз даладарини ҳам меҳнат авинида. Ундаги суратда совхознинг 2,6 бўлимида номбайларда арпа урилди. Чалдаги суратда эса янги дон ҳосили кўздан кечирилляпти. Ғаллакор Эрини Хўжаев ҳосил қўнган бениқош мамнун. А. Героник фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

А. ХАЛИЛОВ.

# БУТУН КУЧНИ КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШГА САФАР БАР ҚИЛАЙЛИК

## САЙЛОВЧИЛАРНИНГ В. В. ГРИШИН БИЛАН УЧРАШУВИ

**ОРЕХОВО-ЗУЕВО.** 4 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари А. Коновалов, А. Смирнов). Орехово-Зуево сайлов округи сайловчиларининг вакиллари бир миңдан ортиқ киши бугун СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзоди Винтор Васильевич Гришин билан учрашмоқ учун тулганда. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолигига нахшда, ВЦИС раиси В. В. Гришин шу округдан Иттифоқ Советига овозга кўйилди.

Учрашув йиғилишини КПСС Орехово-Зуево шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Г. Крылов очди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар томонидан салимий кутуб олинган В. В. Гришин нутқ сўзлади.

Ғани барча муваффақиятларимизнинг гаровидир.

СССР Олий Советига ўтказилган бундан олдинги сайловдан кейин ўтган даврда совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишда катта катта муваффақиятларни қўлга киритди. Етти йиллик план бажариш бўлигани шу даврнинг энг муҳим якуни бўлди. Бизнинг саноатимиз муттасил юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди. 1965 йилда колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириши анча кўпайтирилди ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини давлат йўли билан харид қилиш пилани бажарилади. Экономиканинг тез ривож топаётганлиги — социалистик системанинг қонуниятли бўлиб, социализмнинг капитализмдан ҳақ қилувчи устуворлигидир.

Социалистик тузум ҳақини турмуш даражасини муттасил ошириш бориш учун зарур шарҳларни яратиб берди. Сўнгги йилларда партия билан ҳукумат амалга оширган катта социал-иқтисодий чораларнинг таъсирини ҳар бир меҳнаткаш ўз тажрибасида ҳар би турлиби, Аҳоли жон бошига реал даромадлар сўнгги тўрт йил мобайнида қарийб 18 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчилар аълагина қисмининг иш ҳақи оширилди, уларнинг иш ҳақидан олинган солиқлар бекор қилинди ёки камайтирилди. Айна маҳалда айрим кенг истеъмол молларининг нархи туширилди.

Иқтисодий истеъмол фондидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар жуда кўп миқдорда ортди ва 1965 йилда 41,5 миллиард сўмга ортди. Ана шу фондлар ҳисобига пенсиялар оширилди, Улуғ Ватан уруши инваллидлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари учун қўшимча имтиёзлар белгиланди. Колхозчиларни пенсия билан таъминлашнинг ягона системаси жорий этилганлиги муҳим социал таъдир бўлди. Мақтаблар, касалхоналар, поликлиникалар, санаторийлар ва дам олиш уйлари кенгайтирилди ва кўпайтирилди. Мақтабга бодлар муассасаларида болалар сонини қарийб 2 баравар кўпайди ва 8 миллион кишига етди. Ўтган сайловдан бери 43 миллион киши янги квартиралар олди ёки ўзининг уй-жой шарафини яхшилаб олди.

Экономика, маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда мамлакатимиз эришган ютуқларнинг ҳаммаси Коммунистик партия амалга оширган сиёсий ва ташкилотчилик ишларини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, эълоилар, бугун совет халқи қилган фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Сўнгра ўртоқ Гришин куйидагиларни айтди: бугун совет халқи билан биргаликда Орехово-Зуево сайлов округининг меҳнаткашлари ҳам саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда катта катта муваффақиятларга эришилди. Орехово-Зуево ва Павлово-Посад районларининг саноати етти йиллик план топшириқларини ишлаб чиқаришнинг ҳамми ва асосий буюмларнинг номенклатураси бўйича муддатдан олдин бажарди. Районларнинг колхоз ва совхозлари 1965 йилда давлатга сўт, гўшт, туҳум, картошка ва сабзавот сотишни анча кўпайтирдилар. Саноат корхоналарида, совхоз ва колхозларда меҳнаткаш-

ларнинг иқодий ташаббускорлиги кўф уриб ривожланмоқда, кўпгина ақойиб ишлаб чиқариш илгорлари, ўз ишнинг ақойиб усталари ўшиб етишди.

Ишлаб чиқариш илгорларининг муваффақиятлари — экономикада катта имкониятларга эга эканлигининг далилидир. Ана шу имкониятлардан яхшироқ фойдаланмоқ учун барча меҳнаткашлар техникани, илгор иш усулларини мукамал эгаллаб олишлари, ўз вазифаларини бажаришда бутун кучларини сарф қилиб ишлашлари керак.

Мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта катта муваффақиятларга эришилди, деди ўртоқ Гришин. Шу билан бирга сўнгги йилларда бизда ишлаб чиқариш ва меҳнат умумдорлигини ўстириш суратларини пасайиши, бир қанча тармоқларда фондлардан олинмаган саноатнинг камайиши сингари салбий ҳодисалар ҳам рўй берди. Баян бир тармоқларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш белгиланган вақтда ҳақиқат ҳам реал имкониятларга қараб иш тутилмади. Социалистик системанинг объектив иқтисодий қонуналарига етарли баҳо берилмасинки йўл кўйилди. Етти йиллик планининг айрим кўрсаткичлари тўла бажарилмай қолди. Бу гап айниқса қишлоқ хўжалигига тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати бу камчилиқларни қўриб туришди. Улар бу нуқсонларни тугатиш, мамлакат экономикасини янада кўтариш ва халқ фаровонлигини ошириш чораларини кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март ва сентябрь Пленумлари партия билан совет халқига етти йиллик муҳим аҳамиятга эга. Бу Пленумлар хўжалиқини юртининг илмий жиҳатдан асосланган методлари томон қатъий бўлиши ясади. Хўжалиқни юртининг яна шу методлари социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонуналаридан энг тўлиқ фойдаланишни, тармоқларни марказлаштиришдан тўлиқ республикалар ҳукуматларини кенгайтириш, планлаштиришнинг тўлиқ яхшилаш, корхоналар коллективларининг хўжалиқ жиҳатдан мустақиллигини ва ташаббускорлигини кенгайтириш, уларнинг ўз фаолияти натижаларини моддий манфаатдорлигини оширишни кўзда тутиди. Партия ва хўжалиқ қурилишининг КПСС Марказий Комитети Пленумларида ишлаб чиқилган бу қондалари ва принциплари КПСС XXIII съезди қарорларида маъқулланди.

Етти йиллик план муваффақиятли бажарилганлиги, экономикани ривожлантиришдаги салбий оқибатлар баргафос этилганлиги, партия ва хўжалиқ раҳбарлиги яхшиланганлиги мамлакатимизнинг коммунизам моддий техника базасини яратиб йўлдан тагин ҳам тезроқ олга бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Ўртоқ Гришин янги беш йиллик план вазифаларини ҳақида гапирди. Халқ хўжалигимизнинг негиз бўлган саноатни янада ривожлантириш бундан буюн ҳам қил килувчи аҳамиятга эга бўла беради.

Қишлоқ хўжалигини кўтаришга жуда катта эътибор берилмоқда. Саноатга ҳам ашб ёллар ва аҳоли озиқ-овқат моллар билан таъминлаш экономикадаги ана шу ҳаётий муҳим тармоқнинг муваффақиятли ривожланишига боғлиқ бўлади. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анчагина кўпайтиришни таъмин-

лаш вазифаси ўртага қўйилди. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажариш — ана шу вазифани амалга ошириш йўлидир. Қишлоқ хўжалиқ ҳодимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш учун қишқа вақт ичиде кўпгина ишлар қилинди. Колхоз ва совхозлар давлатга маҳсулот сотишининг бутун беш йиллик учун мўлжалланган қатъий планларини олишди, деҳқончилик ва чорвачилиқнинг кўпгина маҳсулотларининг харид нархлари оширилди. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси мустаҳкамлашда, КПСС Марказий Комитетининг қарорларида бўлиб ўтган Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг муҳим масаласини қаратиб чиқди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидан уларнингга маълумки, қўрғоқчи ерларни сугоритишнинг ва ҳаддан ташқари заҳамк зоналарда еришни захини кетказишнинг қийин 10 йилга мўлжалланган кенг программаси белгилаб олинди. Ерларни мелiorация қилишнинг кенг кўламада ривожлантирилиши дон ва бошқа қишлоқ хўжалиқ экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш имконини беради.

Саноат ва қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини ўстириш негизини дахлқ турмуш даражасини анчагина кўтариш таъмин этилади. Бу соҳада янги беш йиллик учун белгилаган таъдирлар яхши маълум. Бу таъдирлар иш ҳақини оширишни, пенсия таъминоти, медицина ва санаторий-курорт қишлоқнинг кенгайтириши, уй-жой қурилишини кенгайтириши ва бошқа шу қабиларни кўзда тутиди.

Янги беш йиллик планни бажариш — миллион-миллион совет кишиларининг, улар қилмаган ҳақрамоғона меҳнатининг, ишлаб чиқариш резервларидан, материал ва техника имкониятларидан фойдаланишда уларнинг ташаббускорлиги ва илкордорлиги ишлар. Социалистик мусоабани ва унинг олий босқичи — меҳнат коммунистик мусоабатда бўлиш ҳақиқатини янада кенг қўлоб ёйдириш учун беш йиллик планни бажариш сафарбар қилинди, уларнинг илкордорлиги ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланишга, рентабеллигини ва фойда олишни оширишга, хўжалиқ ҳисобини тақомиллаштиришга қаратилган.

КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларни амалга ошириш учун меҳнаткашларни тарбиялаш янада яхшиланган. Партия совет кишиларини юксак сийёсий онглиқни ва меҳнатга коммунистик мусоабатда бўлиш руҳида, совет ватанпарварлигини ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш кўчатиришга, халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантириш таъминлашга қаратилган. Шу муносабат билан ҳар бир ҳодимни корхонадаги, қишлоқда, муассасаларда ишларнинг аҳоли учун шахсан жаобдорлиги руҳида тарбиялаш, тежамкорлик, жамоат мулкни сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳаммуҳри қилиш руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб қилади.

СССР Олий Совети сайлови КПСС XXIII съезди қарорлари тўғрисида совет халқининг сийёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиетда ўтмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида оманинг иқодий активлиги кенг ривожланмоқда, социалистик мусоабат янги куч билан авж олмоқда. Шақ-шубҳа йўқки, КПСС XXIII съезди қарорлари билан қўрилган мамлакатимиз меҳнаткашлари янги беш йилликда коммунистик қурилишининг барча соҳаларида янгида-янги муваффақиятларга эришилдилар.

Ўртоқ Гришин дедикки, бизнинг партияимиз коммунистик қурилиш жараёнида ўзининг омма билан алоқаларини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади, социалистик демократияни янада ривожлантиришни халқнинг давлат ва жамоат ишларини идора қилишга

риалистлари зўр бериб ракета-ядро курулга интилоқдалар. Буларнинг ҳаммаси умумий тиҷликка хавф солмоқда.

Ҳозирги халқро вазиет империализмга қарши кучларни янада жинслаштиришни, тиңчиликни мустаҳкамлаш учун, янги жаҳон урушининг олдин олиш учун курашни кўчатиришни талаб қилмоқда. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида ҳозирги халқро аҳволини ҳар томонлама ҳисобга олмоқдалар. Улар совет халқининг, социалистик ҳамдўстлик халқларининг, бутун дунё меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатларини қўлаб қўлишни бундан буюн ҳам тақомиллаштириш, коммунистик қурилишда Советларнинг ролини ошириш вазифасини қўймоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида, социалистик демократияни ривожлантиришда, меҳнаткашларни давлатни ва ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишда касабга союэларнинг роли катта. Касабга союэларнинг бизнинг давлатимизда зўр иқтисодий куч бўлиб, тарбия, бошқарув мактаби, коммунизм мактабидир.

Касабга союэларининг бугун фаолияти коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш, халқ фаровонлигини ошириш учун, янги жамоат кишисини тарбиялаб волга етказиш учун курашга қаратилган. Касабга союэлар партия қарорларини амалга ошира бориб, оммани етти йиллик планни бажаришга сафарбар қилиш, совет кишиларининг меҳнати ва турмуш шартларини яхшилаш юзасидан, меҳнаткашларнинг социалистик онглиқларини ошириш юзасидан катта иш қилди.

Коммунистик қурилишнинг ўсиб бораётган вазифалари касабга союэларнинг ишнини янада яхшилаш, уларнинг давлат, хўжалиқ ва маданият қурилишда, омманинг иқодий активлигини ривожлантиришда тагин ҳам кенгроқ қатнашишларини талаб қилмоқда.

Совет касабга союэлари ўз зиммаларига қўйилган вазифаларини муваффақиятли бажармоқ учун партия раҳбарлигида ҳамма ишларни қиладилар, коммунизм қулиш учун курашга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўртоқ Гришин халқро аҳвол масалаларига тўхталиб, куйидагиларни айтди: жаҳон миёсидеги кўчларнинг иносбат социализм фойдасига, ишчилар ва миллий озодин ҳаракати фойдасига ўзгартириб бормоқда. Бирок, империализм ўз позицияларини сақлаб қолтиришга интилиб, халқро кескинликни кўчатиришда, илгорлик мақсадида сурбат қаратилган ва ҳарбий авантюралар қилмоқда. Вьетнамда жинюқкорона уруш бошлаб юборган Америка империалистлари уларнинг шармандаю шармисор қилдилар. Лекин агрессорлар нақадар бекодлик қилмадилар, улар Вьетнам халқининг илкорлигини бекодлик қилмадилар. Қаҳрамон Вьетнам халқининг ҳақиқатини қўлаб қўлолади. Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг Америка империализмига қарши адолатли курашида унга ердан кўрсатиб берди ва бундан буюн ҳам тобора кўпроқ ердан кўрсатиб беради.

Америка империалистлари Осн, Африка ва Латин Америкасидаги қўпгина мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига қўлол равишда аралашмоқдалар. Улар Куба Республикасига қарши янгида-янги илгорликлар қилмоқдалар.

Ғарбий Германия халқро кескинликнинг хатарли манбаи бўлиб қолди. У ерда катта армия вужудга келтирилди, милитаризм ва реваншистик кучлари беш кўпроқ тармоқда. Ғарбий герман импе-

В. В. Гришин ўз нутқининг бошида СССР Олий Совети депутатлигига ўзининг номзодини кўрсатган Орехово-Зуево сайлов округи меҳнаткашларига чин кўйилган ташаккур айтди. Менга билдирилган ишонч, деди, у мен совет халқини коммунизм қуриш йўлидан қиммат ишонч билан бошлаб бораётган шонли Коммунистик партияимизга билдирилган ишонч, деб билмаем. Ана шу ишончга лойиқ бўломоқ учун бугун кичини сарфлайман.

СССР Олий Совети сайлови мамлакатимиз ҳаётида зўр иқтисодий-сийёсий воқеадир. Бизнинг партияимиз сайловга тайёргарлик кўрар экан, халқ олдида ҳисоб беради, коммунистик қурилишнинг наватгаги вазифаларини ўртага ташлайди. КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга мурожаатида бу ҳақда жуда ўринли гаплар айтилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияимиз жамоатимизнинг раҳбар ва етакчи кучидир. Унинг бугун фаолияти меҳнаткашларининг, бугун совет халқининг манфаатларига бўйсундирилган. Партия мамлакатнинг ички ҳаётида ўзининг қуч-қайратларини коммунистик жамоат қуришга, совет давлатининг иқтисодий ва мадурона қурашга янада мустаҳкамлашга, саноат ва қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини кўпайтиришга, фан ва техникани бугун чоралар билан ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг юксак турмуш даражасини таъминлашга сарфламоқда.

Ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида партия социализм ва коммунизм қуриш учун қўлай халқро шарт-шароитни таъминлашга, социалистик мамлакатлар бирлиги ва жинслигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қилмоқда, миллий озодин ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, империалистларнинг янги жаҳон уруши бошлаб юборишига йўл қўмаслиқига интилоқда.

